

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 29 июнь, № 126 (5293)

Чоршанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 июнь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича федерал агентлиги директори Михаил Дмитриевни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, бу соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг устувор йўналишлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни ташири билан кутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси президентларининг яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда эришилган келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат беришини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россия ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаат-

дор экани қайд этилди. Бу ҳамкорлик замонавий ҳарбий усқуналар етказиб бериш, қурол-аслаҳани, ҳарбий техника ва ҳарбий-техникавий мулкни таъмирлаш ва модернизация қилиш, ҳарбий-техникавий мажмуа корхоналарини технологик жиҳозлаш каби йўналишларни қамраб олади. М. Дмитриев самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳарбий-техникавий ҳамкорлики янада ривожлантириш, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎзА).



Бозор — юрт ободлиги, эл маъмурчилиги кўзгуси. Шу маънода, бугун бозорларимизда бўлган киши бу ердаги тўқинликни кўриб, юртимиздаги фаровонликка яна бир бор амин бўлади. Чунки расталарни тўлдириб турган турли-туман мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари ҳар қандай харидорнинг эътиборини тортмай қолмайди. Мухими, ширин-шаккар бу неъматларнинг нархи ҳам арзон.

Бундайн тўқислик, аввало, заминимиз саховатию деҳқонларимиз меҳнати, қолаверса, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самараси, десак, асло муболага бўлмайди. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

БОҒЛАР САХОВАТИ

дастурхонимиз файзу баракаси, фаровонлик мезони

Маъмур қарорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш агротехикасини ишлаб чиқиш, юртимиз иқлимга мос тезпишар, серхосил ва касалликларга чидамли навлар яратиш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш сингари қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидлади.

Борада муайян ютуқларни қўлга киритишганини таъкидлаш жоиз. Айтайлик, боғбонларимиз тоқзорларни серхосил навлар билан янгилаштириш ҳисобига ўтган йили 987,4 минг тонна маҳсулот етиштириб, шундан 240,8 минг тоннасини қайта ишлаш корхоналари, 96,2 минг тоннасини экспортга, 650,4 минг тоннасини эса

аҳоли истеъмоли учун етказиб бердилар. Имоният, шарт-шароит ва имтиёз бор жойда ўсиш, тараққиёт бўлиши, табиий. Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги “Озқ-овқат экинлари екиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида биноан, 75,8 минг гектар пахта майдонлари қисқартирилиб, озқ-овқат экинлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ажратилди.

Айни пайтда республикада 66 мингдан зиёд қишлоқ мулкдорлари фаолият юритаётган бўлса, шундан 16 минг 800 дан

ортиги боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқларидир. Жорий йилда фермер хўжалиқлариға боғ ва тоқзорлар ташкил этиш, шунингдек, мавжудларини реконструкция қилиш учун 14 миллион 628,4 минг туп мевали дарахт, салкам 15 миллион туп тоқ кўчатлари етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Президентимизнинг куни кеча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги биз, журналистларга кўтаринки кайфият ҳамда юксак гурур бағишлади.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Унда қалам аҳлининг шарафли ва машаққатли меҳнати эътироф этилиши билан бирга, глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Таъкидланганидек: “... ҳаётиимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва гояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз нуносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазирамиз бўлиб қолмоқда”. Бу фикрлар бизни янада масъулиятли бўлишга, ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, тегишли хулоса чиқаришга, юртимиз раванки йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайдил, албатта.

Дил сўзи

Ҳамжамиятининг эътирофи сазовор бўлиб келмоқда. Ушбу жараёнда миллий матбуотимизнинг ҳам замон талаблари асосида ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Юртошимиз оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш масаласи ҳақида сўз юритганда, бунда, аввало, ҳуқуқий кафолат ва шароитларни яратиш, соҳа фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш кераклигини уқтирдилар. Масалан, янги йилдан бошлаб солиқ юқини сезиларли даражада камайиштириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилаётгани, бу мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини қорозда эмас, амалда таъминлаш, уларда меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини оширишга замин яратиши айтиб ўтилди. Бу, жуда катта имконият, деганидир.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Латвия Республикаси Сеймининг Ўзбекистон парламенти билан ҳамкорлик бўйича депутатлар гуруҳи раиси Александр Саковски раҳбарлигидаги делегация 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига таширф буюрди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ўшлар, парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Л. Фуломов, Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари

қўмитаси раиси С. Сафоев билан учрашув чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги алоқалар қўллаб-қувватлаш, жумладан, парламентаризм соҳасида

ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрафлича

фикр алмашилди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Латвия Сеймида 1995 йили ташкил этилган Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича депутатлар гуруҳининг асосий мақсади мамлакатимиз парламенти билан ўзаро манфаатли

(Давоми 2-бетда).

ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида таъкидланганидек, бугунги кунда чуқур таҳлиллар асосида 2011 – 2015 йилларга мўлжалланган, ўзаро боғлиқ бўлган стратегик дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

Бу дастурлар саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислох этиш ва унинг барқарорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда қўлай ишчан муҳит ва уни баҳолашнинг замонавий халқаро мезонларини шакллантиришни кўзда тутди. Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамлишини хусусий банklar ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш

ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратди.

“Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам бевосита банк-молия тизимдаги ислохотларнинг изчиллигини, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб боришни таъминлашни кафолатловчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий тизимизда салмоқли ўринга эга, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛИ

Ўтган йили республикада янги ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 52,5 фоизни ташкил этгани, жорий йилда эса бу кўрсаткичи 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани ана шундан далолат беради. Албатта, ҳар қандай соҳа пухта режа ва илмий асосларга таянади. Шу маънода, мазкур тизимга илгор инновацияларнинг жорий этилиши унинг имкониятларини кенгайтириш баробарида, ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилмоқда. Куни кеча Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Институтчионал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилган “Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда шу хусусда фикр юритилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х. Мухидиновнинг “Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ахбороти ҳақида”ги 2011 йил 17 майдаги 289-И-сон қарориға биноан, мамлакатимизда дастурий таъминот ишлаб чиқариш индустриясини янада ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди.

Интернет тармоғида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чиқарилаётган дастурий маҳсулотларнинг ҳамда дастурий таъминотни ишлаб чиқувчи компанияларнинг ва уларга бўлган эътиборларни ёритиш мақсадида яратилган www.software.uz порталининг иш фаолиятини ташкиллаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар атрафлича кўриб чиқилди.

Жумладан, таълим жараёнида компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш тизimini жорий этиш ва уни ислох қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Халқ таълими вазирилиги ва Ўрта махсус,

касб-хунар таълими маркази билан биргаликда амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътироф этилиб, бу йўналишда “Ўқувчининг электрон кундалиги” ва “Ўзбекистонда электрон китоб (Jet Book)лардан фойдаланиш” лойиҳаларини республика миқёсида таълим соҳасида самарали татбиқ этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, идораларо “Товарларнинг боххона экспертизаси” автоматлаштирилиши ахборот тизимидан ҳамкорликда фойдаланиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистика органлариға даврий равишда топширилаётган ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш борасида Ўзбекистон Давлат боххона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмиталарида амалга оширилаётган ишлар батафсил кўриб чиқилди.

Электрон рақамли имзони очик қалитлари сертификатларини қўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш, уни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистонда электрон рақамли имзо инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури” лойиҳаси атрафлича муҳокама қилинди.

Қўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан курсатма ва тақлифлар берилди. Мажлис натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎзА).

Бир рақам шарҳи

Республикада 2011 йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3275,9 миллиард сўмни ташкил қилди.

Инвестициялар ҳажми кўпаймоқда

Маълумки иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми йил сайн кўпайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, инвестицияларисиз модернизация ҳам, янгилашиш ҳам бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиб, сармояларнинг асосий қисми етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш керакки, инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида уларнинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш-

ни таъминлаш, унга масъул хўжалик бошқаруви органлари ва йирик корхоналар таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлашга доир изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу, ўз навбатида, инвестициявий жараёнларнинг жадаллашувига ижобий таъсир кўрсатаётди. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ўсиш кўрсаткичлари тўрт фоизга етказилгани инвестициялар оқими кўпайиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, иқтисодиётдаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан 70 фоизи ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилиб, қўллаб-қувватлаш мақсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, қўшимча иш ўринлари яратилгани, айниқса, қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларига ва аҳолининг кенг қатламларига қўрсатиладиган микрокредит хизматлари кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушининг ўсишида, бандлик даражаси

ЭРКИН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

ҳамда аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда кредит ахбороти алмашинуви бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кредит ахборотини ҳисобга олишининг икки поғонали тизими — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон банклари уюшмасида Банкларо кредит бюроси ташкил этилган бўлиб, улар тижорат банкларининг кредиторлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, салохиятли қарз олувчилар ҳақида ахборот билан таъминлаш, банк тизимида кредит хатарини камайтириш ва кредит интизомини мустаҳкамлаш бўйича фаолият олиб бормоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институти банклар ва қарз олувчилар ҳамда уларнинг кредит операциялари, таъминот турлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, Марказий банкнинг банк назорати функциясини амалга ошириш учун банкларнинг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мак-

шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини яратиш ва ахборотларни таҳлил қилиш, реал сектор корхоналари фаолиятини таҳлил этиш ва қарз олувчиларнинг рейтинг баҳолаш тизимини шакллантириш, шартнома асосида банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига, шунингдек, қарз олувчиларнинг ўзига уларнинг сўровномалари бўйича кредит тари-

садида қарздорларнинг ягона реестрини юритиш, тижорат банкларини қарздорлар тўғрисида кредит ахбороти билан таъминлаш, кредит ахборотининг ягона реестрини шакллантириш ва кредит ахбороти алмашинувини таъминлаш вазифаларини бажариб келмоқда. Институтидаги бу маълумотлардан банк назоратини амалга оширишда Марказий банк департаментлари томонидан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, банкларнинг электрон сўровлари асосида қарздорлар тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимини тақдим этилаётди.

Банкларо кредит бюроси тижорат банклари билан ҳамкорликда салохиятли қарз олувчиларнинг кредит тарихи маълумотлари алмашинуви бўйича 2005 йил 1 ноябрдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. Айни пайтда бундай қарз олувчиларнинг кредит тарихи маълумотлари алмашинуви маълумоти билан бирга, кредит бериш вақтида банкда бўлажак қарздорлар тўғрисидаги ахборотнинг еттишмаслиги ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Кредит портфелининг ҳамжи ва қарздорлар сони ошган сари кредит беришда банклар бўлажак ва мавжуд қарздорлар тўғрисида тўлақоғли ахборот олиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди, бу анча кўп вақт ва маблағ талаб этади. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун кўплаб мамлакатларда қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этишга ихтисослаштирилган ташкилотлар тўзилган. Ахборот манбаи эса, қонунчиликка му-

ҳи тўғрисидаги маълумотларни беришдан иборат бўлиб, тижорат банки томонидан қабул қилинган ва уларга жўнатиловчи салохиятли қарз олувчиларнинг кредит тарихи маълумотлари алмашинуви реал вақт режимини амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси қарздорлар тўғрисида ахборот алмашинуви банкларнинг муваффақиятли кредит сиёсати олиб боришининг зарурий шарти эканини кўрсатмоқда. Муддатиди қайтарилмаган кредитларнинг ўсишига аънанавий сабаблар билан бирга, кредит бериш вақтида банкда бўлажак қарздорлар тўғрисидаги ахборотнинг еттишмаслиги ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Кредит портфелининг ҳамжи ва қарздорлар сони ошган сари кредит беришда банклар бўлажак ва мавжуд қарздорлар тўғрисида тўлақоғли ахборот олиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди, бу анча кўп вақт ва маблағ талаб этади. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун кўплаб мамлакатларда қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этишга ихтисослаштирилган ташкилотлар тўзилган. Ахборот манбаи эса, қонунчиликка му-

вофик, банклар томонидан кредит ахборотининг мажбурий ёки ихтиёрий равишда марказлаштирилган тарзда юборилиши орқали ташкил қилинади.

Кўриниб турибдики, ишончли ва тезкор кредит ахбороти кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлар учун самарали бўлиб, улар учун молиялаштириш имкониятини оширади, шунингдек, қўйилган шартларни ўз вақтида бажарган миқдорга қисқа муддатда кредит олиш учун шартли яратибгина қолмай, кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб, банк таваккалчиликларини камайтиради. Бу банклар ва қарз олувчиларнинг молиявий-кредит интизомини мустаҳкамлайди. Кредит ахбороти алмашинувининг ривожланган ва омилкор тизими молиявий маблағлар ажратилиши тўғрисидаги ижобий қарорлар миқдорини икки бараварга ошириши ҳамда мажбуриятлар бажарилмағи қилиш даражасини 40-80 фоизга камайтиришга олиб келиши жаҳон тажрибасида синоддан ўтган.

Шу боисдан мазкур тизимнинг қонунчилик асосларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонун эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришга, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиб, кредит ахбороти алмашинувининг ҳуқуқий базасини яратиш, кредит ахбороти тўлланаётган ҳисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда битимлар тузишда қатнашаётган барча манфаатдор томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шартлар яратишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Алишер ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳонга қаратилган ақолият институти, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти,

КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛИ

Давлат мулки кўмитаси мустақадлари ҳамда университет профессор-ўқитувчилари иштирок этган мажбурий тадбирда мутахассислар юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишловлар мазмун-моҳиятини ҳар томонлама тушунтириб берди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида маърузачилар шўба-ларга бўлиган ҳолда, мулкчилик муносабатлари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти самардорлиги, оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини такомиллаштириш сингари масалаларни муҳокама қилди.

Анжуман сўнгида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Д. МУРОВОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз табригиди олдимизда турган муҳим вазифалар белгиланган берилганлиги барча оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Юртбоши-

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

миз таъкидлаганларидек, ҳамон ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, мансабда ўтирган кишиларга итоатгўйлик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликлар учраб турибди. Уларни изчил бартараф этиш учун биз, журналистлардан чинакам маънавий жасорат талаб қилинади. Президент истаги, давр тақозоси, жамият талаби шундай.

Юртбошимиз фидойи ва жонқур журналистларни ўзларининг суянчи, таянчи деб таъкидладилар. Бу ҳаммаимиз учун катта шарофат ва масъулиятдир. Ушбу юксак баҳо ҳақида ўйланганимизда, яна ҳам илҳомланиб, ҳаётини ва таъсирчан чиқишлар қилганимиз келди.

Собиржон ТУРДИЕВ,
«Ёшлар» телеордионали
«АЖ» «Давр» ахборот дастурлари бош муҳарририяти бўлиб бошлиғи, «Олтин қолом» Миллий мукофоти соҳиб.

Ибрат

"Наманган электр қурилмалари" корхонасида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортишига эришилди.

Иزلаниш шарофати

Хусусан, корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 50 фоизга кўпдир.

Таъкидлаш керакки, корхона мамлакатимиз энергетика тизимини узатиш линиялари учун мўлжалланган металл таянчлар билан таъминловчи асосий корхона ҳисобланади.

К. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОҒЛАР САХОВАТИ

дастурхонимиз файзу баракаси, фаровонлик мезони

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида бошқа тармоқлар қатори богдорчиликда ҳам истиқболли, фойдали ва самарали технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Қувонарлиси, юртимиз мутахассислари ҳам бу борада доимий изланиш олиб бораётгани тармоқ самардорлиги ошишида муҳим омил бўлаётди. Ўтган йили Самарқанд ва Тошкент вилоятларида интенсив (пакана ва ярим пакана) боғлар барпо этиш тажрибаси муваффақиятли яқунлангани шундай дей-

шимизга асос бўла олади. Жорий йилдан бошлаб эса республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий технология асосидаги боғлар яратишга тўлиқ киришилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, интенсив бог усулида ҳар гектар ерга уч мингдан ортиқ кўчат экиб, ундан олдатида боғлардаги ҳисобатан 5-6 баробар кўп ҳосил олиш мумкин экан. Буни тасаввур қилиш учун аънанавий богдорчиликда бир гектар майдонга кўпи билан 500 туп кўчат қадалганини айтиш кифоя, назаримизда.

— Ушбу технологияда

экилган кўчатлар иккинчи йилдан мевага кириши билан ҳам алоҳида ажралиб туради, — дейди Янгийўл туманидаги "Сайфиддинова Миришкор Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари Захриддин Сайфиддинов. — Бунга ўтган йили 10 минг туп олма, 1200 туп гилос ва 800 туп нон кўчати харид қилиб, 9 гектар ерда бог ташкил қилганча, гувоҳ бўлдик. Қолаверса, дарахлар кўп меҳнат талаб қилмайди. Дарах ора-ларига ишлов бериш жуда қулай. Ҳозир терилган сархил мевалари аҳолига арзон нархларда сотаямиз.

Яхши ташаббус тезда қанот ёяди. Кечаги тажрибадан бугунги амалиётга ўтган интенсив бог яратиш усули эндиликда кенг миқёсда қўлланилмоқда. Бундай боғлар соҳага ихтисослаштирилган фермер хўжалиқлари майдонларидан ташқари, кўлаб ташкилот ва муассасалар тасаруфидида ерларда ҳам ташкил қилинмоқда. Китоб туманидаги "Хайрбод сервис" масъулияти чекланган жамиятининг 11 гектар, Янгийўл туманидаги "Кандидён феш" масъулияти чекланган жамиятининг 7,5 гектар, Вобекан туманидаги пиллани қайта ишлаш корхонасининг 5 гектар, Навба-

ҳор туманидаги "Агрофреш" қўшма корхонасининг 100 гектар ерида олма, гилос, нон, олхўри сингари дарахларнинг пакана навлари парваришланаётгани шундан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бу йил республика бўйича 14627 гектар ерда янги боғлар ташкил қилинган. Шундан 2451 гектар интенсив боғлардир. Улардан қўйлаётган ҳосил — 1 миллион 746,8 минг тонна. Бу бозорларимиздан йил бўйи хуштаб мевалар аримайди, деганидир.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЛҒОР ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

ирригация тизимини янада яхшилашга хизмат қилаётди

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевоқифа боғлиқ. Шу боис республикамизда кейинги йилларда ирригация тармоқларини таъмирлаш, мавжуд захиралардан унумли фойдаланиш, соҳани замонавий техникалар билан таъмирлаш син-

гизини таъмирлаш сингари вазифаларга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастурийлаш бўлмоқда.

Яккабоғ туманидаги "Ҳисорак-гидроқурилиш" очик акциядорлик жамиятида, масалан, ўтган йили Россия ва Хитой давлатларидан келтирилган замонавий техникалар ёрдамида бир миллиард 579 миллион сўмлик, жорий йилнинг

тўрт ойида эса 190 миллион сўмлик сув иншоотларини тозалаш, таъмирлаш ва қуриш ишлари бажарилди.

Мазкур жамоа айна пайтда Яккабоғ туманидаги "Қизилсув" сув омбори, шунингдек, Қамаш, Қарши ва Ҳузор туманларидаги "Б-2" зовурлар тизимини реконструкция қил-

ганча, дарахлар кўп меҳнат талаб қилмайди. Дарах ора-ларига ишлов бериш жуда қулай. Ҳозир терилган сархил мевалари аҳолига арзон нархларда сотаямиз. Яхши ташаббус тезда қанот ёяди. Кечаги тажрибадан бугунги амалиётга ўтган интенсив бог яратиш усули эндиликда кенг миқёсда қўлланилмоқда. Бундай боғлар соҳага ихтисослаштирилган фермер хўжалиқлари майдонларидан ташқари, кўлаб ташкилот ва муассасалар тасаруфидида ерларда ҳам ташкил қилинмоқда. Китоб туманидаги "Хайрбод сервис" масъулияти чекланган жамиятининг 11 гектар, Янгийўл туманидаги "Кандидён феш" масъулияти чекланган жамиятининг 7,5 гектар, Вобекан туманидаги пиллани қайта ишлаш корхонасининг 5 гектар, Навба-



СУРАТДА: маҳорати экскаваторчи Ю. Файзиев.

Ш. ШАРАПОВ олган сурат.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилиб, унинг ҳуқуқий кафолати таъминланди. Зеро, ҳар бир шахсининг мулкдор бўлиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий тизимнинг негизини турли хилдаги мулкчилик шакллари ташкил этади. Олиб бориладиган изчил ислохотлар уларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишига қаратилган. Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига алоҳида энгиллик ҳамда преференциялар қўлланилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Натияжада кейинги йилларда мазкур соҳа тез суръатларда ривожланиб, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати ва таянчига, юртимиз тараққиёти йўлида фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда.

Маълумки, тадбиркорлик ҳаракати қулай бизнес муҳити мавжуд ҳолда кенг қўлоч ёяди. Бу ишбилармонларнинг ишлаб чиқариши йўлга қўйилиши, эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, уларнинг фаолиятига асоссиз ара-лашмаслик каби масалалар билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам давлат қурилиши ва бошқарувини демократлаштириш

турида тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тегишли ҳужжатлар ижросини

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

иқтисодийетимиз ривожидида муҳим омил бўлмоқда

таъминлаш, тадбиркорлик субъектларида текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибига риоя этилишига эришиш ҳамда уларнинг фаолиятига ноқонуний аралаштириш ҳолатларига барҳам бериш мақсадида муайян ишлар амалга ошириляпти. Бунда тадбиркорлик субъектларининг "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" мониторинги йўлга қўйилгани яхши самара бераёпти. Масалан, мониторинг давомида Эллиққалъа туманида жойлашган "Юнивер" Ўзбекистон — Австрия — Бангладеш қўшма корхонасида Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси билан давлат божини ундиришда муаммоли масала борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилган тадбиркор ҳақлиги аниқланди. Натияжада Божхона бошқар-

масига қўрсатма киритилиб, ортинча ундирилган 2 миллион 616 миң 500 сўм пул маблағи қўшма корхонанинг келгуси божхона тўловлари ҳисобига ўтказилишига эришилди.

Шу ўринда яна бир тажриба

булса, вазирилик томонидан ҳар ойнинг биринчи ва иккинчи ҳафтада тадбиркорлик кунлари" деб эълон қилинган "Тадбиркорлик кунлари" ҳақидаги "Компьютер сервис" хусусий корхонаси раҳбари Х. Халмуратовдан хизмат кўрсатувчи бек ходимларининг ҳаракатларидан норозилиги мақсуда мурожаат келиб тушди. Мазкур масала ўрганилганча, ши-

тўғрисида тўхтаб ўтиш ҳоим. Гап шундаки, шахар ва туман ҳокимликлари қарорлари билан ҳар ойнинг учинчи шанба кунинда "Очиқ эшиклар кунини" ўтказилаётган бўлса, вазирилик томонидан ҳар ойнинг биринчи ва иккинчи ҳафтада тадбиркорлик кунлари" деб эълон қилинган "Тадбиркорлик кунлари" ҳақидаги "Компьютер сервис" хусусий корхонаси раҳбари Х. Халмуратовдан хизмат кўрсатувчи бек ходимларининг ҳаракатларидан норозилиги мақсуда мурожаат келиб тушди. Мазкур масала ўрганилганча, ши-

тўғрисида тўхтаб ўтиш ҳоим. Гап шундаки, шахар ва туман ҳокимликлари қарорлари билан ҳар ойнинг учинчи шанба кунинда "Очиқ эшиклар кунини" ўтказилаётган бўлса, вазирилик томонидан ҳар ойнинг биринчи ва иккинчи ҳафтада тадбиркорлик кунлари" деб эълон қилинган "Тадбиркорлик кунлари" ҳақидаги "Компьютер сервис" хусусий корхонаси раҳбари Х. Халмуратовдан хизмат кўрсатувчи бек ходимларининг ҳаракатларидан норозилиги мақсуда мурожаат келиб тушди. Мазкур масала ўрганилганча, ши-

тўғрисида тўхтаб ўтиш ҳоим. Гап шундаки, шахар ва туман ҳокимликлари қарорлари билан ҳар ойнинг учинчи шанба кунинда "Очиқ эшиклар кунини" ўтказилаётган бўлса, вазирилик томонидан ҳар ойнинг биринчи ва иккинчи ҳафтада тадбиркорлик кунлари" деб эълон қилинган "Тадбиркорлик кунлари" ҳақидаги "Компьютер сервис" хусусий корхонаси раҳбари Х. Халмуратовдан хизмат кўрсатувчи бек ходимларининг ҳаракатларидан норозилиги мақсуда мурожаат келиб тушди. Мазкур масала ўрганилганча, ши-

кюя асосли эканлиги аниқланди ва "Микрокредитбанк" мутахассиси К. Жақсимуратовга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судга оширилди.

Шу билан бирга, вазири томо-

надан ҳар ойнинг охириги жума кунини вазириликнинг "Ишонч телефони" орқали мурожаатлар қабул қилиш йўлга қўйилгани тадбиркорларнинг айна қилидаги иш бўлди. Беруний туманидаги "Бир зумда" хусусий фирмаси бошлиғи А. Айтбаева "Ишонч телефони" орқали туман ҳокимлигининг айричи ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози эканлиги ҳақида хабар қилган эди. Бу иш бевосита

надан ҳар ойнинг охириги жума кунини вазириликнинг "Ишонч телефони" орқали мурожаатлар қабул қилиш йўлга қўйилгани тадбиркорларнинг айна қилидаги иш бўлди. Беруний туманидаги "Бир зумда" хусусий фирмаси бошлиғи А. Айтбаева "Ишонч телефони" орқали туман ҳокимлигининг айричи ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози эканлиги ҳақида хабар қилган эди. Бу иш бевосита

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат. Бу борада мазкур гуруҳ кўплаб тадбир ва учрашувларни ўтказиб келмоқда.

— Ўзбекистон билан Латвия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, — деди А. Сақовскис. — Ўзбекистон истиқлол йилла-

рида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Ташриф давомида Латвия делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идораларида музокаралар ўтказди.

(ЎЗА).

ЯҚИН МАСЛАҲАТГҲЙ, ДОИМИЙ ҲАМКОР

Юртимизда аҳоли ижтимоий муҳофазаси, хусусан, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмараклари ташкил этилиб, иш беришга корхона ва ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлиги бунинг ёркин намунаси.

Фаргона вилоятида фаолият кўрсатаётган Бандлик ахборот маркази ҳам иш изловчиларга ана шундай кўмакдош бўлаётган ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шуниси эътиборлики, жорий йил бошидан бугун фаолият олиб бораётган мазкур марказ республикамиз вилоятлари орасида биринчилардан бўлиб ташкил этилди.

— Ўтган йили Германия

давлатининг бир қатор шарҳларида бўлиб, аҳолини иш билан таъминлаш ҳолатига кизикдик, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулло Қосимов. — Чет элдан бундай марказлар иш изловчилар учун қулай ахборот манбаи бўлибгина қолмай, энг яқин маслаҳатгўй ҳамдир. Барчага маълумки, иш изловчининг бирор бир ташкилотга бориб, интеллектуал салоҳияти, нутқ маданияти ва касбга оид билими ҳамда қўнимчаларини дадиллик билан намоеён эта олиши унинг келгусидаги мавқени белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, марказдаги малакали мутахассислар ҳамда психологлар томонидан ишга киривчиларга бу борада яқиндан кўмак берилиши айна мундоқдир.

Бошқарма мутахассислари бундай янгилик иш услубини сафардан қайтиб ўзимизда қўллаш тадбиригизни қиришди. Бош бошқарма идорасига ёндош бир бино қайта таъмирланиб, бу ерга энг сўнгги русумдаги компьютерлар, электрон алоқа воситалари ўрнатилди. Шу тариқа қисқа вақт ичида хориждаги Бандлик марказларидан қолшимайдиган замонавий бир маскан фаолият кўрсата бошлади.

Марказда иш изловчи фу-

қуя ҳақидаги маълумотларни киритишга лозим бўлади. Шундан сўнг унга ўзи танлаган касб бўйича корхона ва ташкилотларга йўланма берилди. Беш кун ичида, яъни унинг кафолатли иш ўрнига эга бўлганиги ҳақида иш бериш томонидан маълумот олинмагунга қадар бу лозим бошқа фуқарога тақдим этилмади. Фуқаронинг ишга жойлашганлиги компьютер дастуридан жой олган эса, мазкур бўш иш ўрни — вақансия ҳисобдан чиқарилади.

Эътиборлики, дастурдан жой олган ҳар бир вақансия бандлик маркази томонидан берилган йўланма асосида фуқаронинг кафолатли иш ўрни ҳисобланади. Йўланма олган киши ўз хоҳишига кўра ёхуд узрли сабаб билан ишга жойлашмаган тақдирда бу жой бошқа фуқар

